МУСТАҚИЛЛИК ЗАРВАРАҚЛАРИ

24 сентябрь
Тошкентда ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.
18 ноябрь
Олий Кенгашнинг VIII сессияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида Қонун қабул қилинди.
1991 йил

2 март
БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул этилди
12-14 март
Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги делегация давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.
1992 йил

8 июнь
Ўзбекистон Республикаси Президенти Нидерландия қироллиги Ҳукуматининг таклифи билан шу мамлакатга расмий сафарга борди.
18 июнь
Ислом Каримов Швейцариядаги "Форум Фонд" Халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида нутқ сўзлади.
1993 йил

5 май
Олий Кенгашнинг XV сессиясида "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини белгилаш ва Олий нишон — "Олтин Юлдуз" медалини таъсис этиш юзасидан қонун қабул қилинди. Олий Кенгаш қарорига биноан Ислом Каримов ана шу мукофот билан тақдирланди.
1994 йил

8 апрель
Ўзбекистонга Индонезия Республикаси Президенти Сухарто ташриф буюрди.
14 июнь
Навоий вилоятида "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси очилди.
1995 йил

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 6 август, сешанба № 100 (22.021).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Бугуннинг гапи

ПУХТА ТАҲЛИЛ, АНИҚ ВАЗИФАЛАР

БАРЧАМИЗ БИР НАРСАНИ ЯХШИ ТУШУНАМИЗ ВА УНИ ҚАЙТА-ҚАЙТА ТАЪКИДЛАБ ЎТИРИШНИНГ ҲОЖАТИ ҲАМ БЎЛМАСА КЕРАК. МЕН НАВБАТДАГИ МАВСУМ, ҚОЛАВЕРСА ЖОРИЙ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ҒЎЗАНИ ЎСТИРИШ, ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЙИҒИМ ТЕХНИКАСИНИ МАВСУМГА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИШГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ ЭКАНИНИ НАЗАРДА ТУТЯПМАН.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан).

Вазирлар Маҳкамасида олти ойлик якунларига бағишланган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари олдига аниқ вазифалар қўйди. Хўш, бу вазифаларни жойларда қандай англаб етишяпти? Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой бўлган августнинг масъулиятини ҳамма ҳам тўлиқ ҳис қиляптими? Шанба куни ўтказилган республика бўйича сим орқали кенгашда ҳозирги вазият ана шу нуқтаи назардан таҳлил этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков мамлакат далаларида бугунги аҳвол ҳақида сўзлади ва вилоят ҳокимларидан бу борада аниқ, лўнда жавоб талаб қилди.

Олдинда турган вазифаларни рисоладагидек бажариб намуна кўрсатаётганлар борми? Ҳа, бу ҳақда гап кетганда аввало Андижон вилоятини тилга олиш керак. Андижонликлар 80 минг гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 51 центнердан дон олдилар. Бу кўрсаткич Шаҳрихон туманида 63 центнерга етди. Уруғлик дон ғамлаб қўйилди. Ғалладан бўшаган майдонларнинг ярмидан кўпи ҳайдалди.

Ғўза парваришини бўшаштирмаслик борасида Наманган вилояти деҳқонлари алоҳида намуна кўрсатяптилар. Сим орқали кенгашда қуйидаги рақамлар тилга олинди: Вилоятда бугунгача ғўзага 7 марта ишлов берилди, 3 марта озиқлантирилди. Ҳар гектар ерда ўртача 98 минг туп кўчат ўстирилмоқда. Наманган Ватан омборларига 170 минг тонна ғалла бериб, режани бажарди. Шунингдек, Фарғона вилояти деҳқонлари 410 минг тонна ғалла ишлаб чиқариб, уруғлик заҳирасини ошириб бажаришга интилмоқдалар.


Давлатга дон топшириш топшириғини, шунингдек, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ҳам адо этишди. Лекин республика бўйича яхлит олиб қараганимизда қатор жойларда лоқайдлик ва хотиржамлик ҳукмронлиги кишини ташвишга солади.

Шу нуқтаи назардан сим орқали алоқага чиққан ҳокимларга қатор саволлар қўйилди. Нега жойларда озуқа тақчиллигидан нолишадию, такрорий экин экиш суст? Ғалладан бўшаган далаларни ҳайдаш зарурлигини хўжалик раҳбарлари наҳотки ҳис этишмаса? Нима сабабдан ғўза ниҳоллари зараркунандалардан ҳимоя қилинмаяпти? Самарқанд вилоятидаги аҳвол таҳлил қилинганда шундай савол берилди: нега Нарпай, Пахтачи туманлари дон топшириш режасини ошириб бажарган бир пайтда Иштихон ва Каттақўрғон туманларида қолоқликка йўл қўйилди.

Сим орқали кенгаш якунида қуйидаги вазифалар қўйилди. Сифатли дон уруғлиги тайёрлашда ўтган йилги хатоларни такрорламаслик керак. Уруғлик ўз вақтида дорилаб қўйилса, талон-торож бўлишнинг олди олинади. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектарига камида 250 килограммдан уруғлик тайёрлаш керак. Кузги дон экиш 16 сентябрдан бошланиши ва бир ой атрофида якунланиши лозим. 11 августдан бошланадиган вилоятлараро ўзаро текшириш тадбирларида асосий эътибор камчиликларни кўрсатишга қаратилиши зарур.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Гиниятуллин, Ў.Исмоилов, К.Раҳимов, М.Усмонов, Қ.Ҳаққулов иштирок этдилар.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.



Деҳқон ҳаво билан тиллашади...



САККИЗИНЧИ УРИНИШ

Маълумки, АҚШ республикачилар партиясининг съезди яқинлашяпти. Съездда республикачилар давлат юқори лавозимларига ўзларининг узилкесил номзодларини тавсия этадилар. Вице-президентликка бир неча номзод даъвогар. Республикачилар эса собиқ сенатор Доул номзодини қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирча флоридалик сенатор Конни Мэкнинг номзодини кўп жиҳатлари билан Доулни ҳам, республикачиларнинг сайловчиларини ҳам қониқтириши кўзда тутиляпти. Бу Доул командасининг саккизинчи уринишидир.

ВЬЕТНАМЛИК «ЗИЁРАТЧИ»ЛАР

Бамбукдан турли хил уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш мумкин. Вьетнамлик кўплаб хотин-қизлар, асосан ёш болалик оналар бамбукдан хўжалик, уй-рўзғор анжомлари тўқишади. Аниқроғи, «бамбук буюмлар» уларнинг рўзғорини «тебратади». Лекин тайёрланган маҳсулотдан тушадиган фойданинг бари касаначи-ишчиларнинг чўнтагини қаппайтиряпти, дейиш қийин.

Айниқса, транспорт чиқими ишчиларни ташвишлантиряпти. Ўйлаб қараганда, бир уюм, даста-даста саватларни велосипедда манзилга етказиб бериш ҳам осонмас-да.

Маҳсулот тайёрловчилар шундай бўлса ҳам «узоққа чопар» транспортчиларни ёллашга мажбур бўлишяпти.

КЕНГУРУ «ПАНОҲ» ТОПОЛМАДИ

Сидней қишлоғига баҳайбат кулранг кенгуру «ташриф» буюрди. Кенгурунинг савлатидан ҳайиққан одамлар уни уйларига йўлатишмади. Ҳайиқмай бўладими ахир, унинг бўйи 2 метр! Қишлоқдагилар табиат ёввойи ҳайвонларини муҳофаза қилиш жамиятига сим қоқишга мажбур бўлишди. Муҳофазачилар эса бу гал одамларни кенгурудан «авайлашди».

Кенгуруни отиб ташлашди. Жасадни текширишганда кенгуру касалланганлиги маълум бўлди. Балки у одамлар орасида сўнгги умрини яшамоқчи, хотиржам мангу уйқуга кетмоқчи бўлгандир. Афсус, бу унинг ўзигагина аён бўлиб қолди.

(«Ассошиэйтед Пресс» материаллари асосида тайёрланди).

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

ФАҚАТ ИМКОН ЭМАС

Мустақиллик ҳамма соҳада ҳам имкон ва масъулиятдир.

Бу бир қарашда кенг дунёга эшиклар ланг очилди-ю, бемалол чиқиб кетавериш мумкин деган, саёз тасаввур бериши мумкин. Аслида ҳечам ундай эмас.

Тиббиёт ҳам буни «бошидан» кечиряпти. Олдинлари малака ошириш деб собиқ СССР шаҳарларидан бири, борингки, Москва ёки Ленинградга бориларди. Тизим бир, ишлаш дастури бир, ҳатто «юқоридан буйруқ» бир жойга бориб нима «янгиликни» ўзлаштириш мумкин.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти тарихида шу беш йил том маънодаги туб ўзгаришлар даври бўлди.

Ўзингиз ўйлаб куринг, аввалари касал қанча кўп бўлса, (!) кўрсаткич ҳам шунча зўр саналарди. Биринчи навбатда беморнинг соғайиш «сифати» қатъий интизом, талабдир.


Институт клиникаларида истеъдодли мутахассисларимиз кўп. Чунки улар тез-тез ҳорижда бўлиб клиникалар иш жараёни ва даволаш усулларини ўрганиб қайтишяпти-да.


Ўтган йили бир гуруҳ олим, шифокор, бўлажак илм кишилари жаҳоннинг турли давлатларида, жумладан, Исроил, Туркия, Кореяда ижодий сафарда бўлишди. Ўз навбатида шу кунларда Кореядан келган 18 нафар тиббиётчи клиникамиз иш фаолиятини ўрганяпти, ўзлариникини эса ўргатяпти.

Ҳа, мустақиллик бизга нафосат, имкон, айни пайтда катта масъулият ҳам берди..

Ҳусниддин НАСРИДДИНОВ, клиника бош шифокори, доцент.







ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши иккинчи котиби Г. Маъруфова маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. А. Мирсалимов, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Шу вилоят ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келаётган А. Эгамбердиев Фарғона вилоят партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, Фарғона вилояти ҳокими муовини Ф. Азимов сўзга чиқдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби Анваржон Мамасолиевич ЭГАМБЕРДИЕВ




1958 йилда Тошлоқ тумани Тошлоқ қишлоғида туғилган. 1980 йилда Херсон (Украина) давлат педагогика институтини, 1991 йилда «Континент-Норд» менеджерлар мактабини, 1996 йилда Ёзёвон агробизнес коллежини битирган.

А. Эгамбердиев меҳнат фаолиятини Риштондаги 2-ўрта мактаб ўқитувчилигидан бошлади. Шу шаҳардаги 194-ҳунар-техника билим юрти Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиби бўлиб ишлади.

1983-1991 йилларда Фарғона вилояти Ёшлар Иттифоқи қўмитасида турли лавозимларда хизмат қилди. 1991-1992 йилларда—Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси котиби, «Риштон» ташқи иқтисодий алоқалар фирмаси молшунос-брокери.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиблигига сайлангунга қадар вилоят ҳокимлигининг бўлим мудири ўринбосари вазифасида ишлаган.



АВГУСТ САБОҚЛАРИ. Содиқжон МАҲКАМОВ олган сурат.

Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?

БАРАКА НИМАДА?

— Фермамизни хусусийлаштириш ташвишлари ўтган йилнинг май-июнь ойларида бошланган эди. Хўжалигимиз раҳбари Неъматилло Умуркулов вилоятда биринчи бўлиб бу ишга йўл очди. Лекин афсуски, ким ошди савдосида ўз хўжалигимиздан фермага кучи етадиган одам топилмади. Ниҳоят, шаҳарлик тадбиркор Асрор Солиҳов тадбиркор сифатида ўзини кўрсатди. Фермадаги жамоани сақлаб қолди. Фақат ортиқча ҳисобланган 6 штат қисқартирилди, холос. Бундан ташқари чорвачиликни тиклаш йўлида ҳалол ва сидқидилдан иш олиб бормоқда. Бу эса чорвачиликда, айниқса, муҳим. Ҳозирча у ўз фермасидаги бошқа тармоқлардан топган маблағи ҳисобига зарарини қоплаб турибди. Акс ҳолда аҳволимиз қийин бўларди, — дея сўзини бошлади Боёвут туманидаги «Деҳқонобод» хўжалиги сут-товар фермаси бригадири Бердиали Оллоназаров.

— Ие, нега? Хусусийлаштириш ўз самарасини бермаётирми?

(Суҳбатдошим кулади)

— Қизиқ экансиз, бозордаги олди-сотдида тезда фойда кўриш мумкиндир. Бу эса — чорвачилик, яъни ишлаб чиқариш. Халқимиз айтадики, деҳқончиликдаги зарарни бир йилда қоплаш мумкин, чорвачиликни тиклашга эса қирқ йил керак бўлармиш. Энди бу — ибора. Қирқ йилни ким ҳам кутарди. Лекин шунча бўлмаса ҳам чорвачиликни тиклаб олишга камида тўрт-беш йил кетса керагов. Тағин билмадим.

— Фикрингизни рақамлар ва далиллар билан асослаб бера оласизми?

— Хусусий фермамизда ҳозир жами 391 бош қорамол бор. Шулардан 156 боши сигир, 67 боши икки ёшдан ошган ғунажин, 168 боши бузоқ. Ойига ана шу чорвага 120 минг сўмлик хашак, 9-10 минг сўмлик ем сарф-лаймиз. Бундан ташқари техника учун 35-40 минг сўмлик ёқилғи, молларга доридармон, одамларга иш ҳақи, газ, электр энергияси бўлиб, деярли 280-300 минг сўмлик харажат кетади. Сигирларимизнинг 100 бошидан сут оламиз. Ойига ўртача 20 тонна, яъни 140 минг сўмлик сут топширамиз. Унинг пулини ҳам кўпдан бери заводдан ололганимиз йўқ.

— Сигирларнинг маҳсулдорлиги шу қадар пастми?

— Йил бошида, яъни хусусийлаштирилган пайтда ҳар бош сигирдан 3-4 литрдан сут олинар эди. Ҳозирга келиб уни 7,5-8 литрга чиқардик.

— Бердиали ака, сиз ферма хўжайини эмас, бригадирсиз. Нега энди сут бераётган 100 бош сигирни қолдириб, қолган «боқиманда, текинхўр» молларни камайтириш мумкин эмас. Харажат шунда кескин камайган бўлар эди-ку?

— Хўжалик билан тузилган шартномага биноан, беш йилгача чорва туёғини камайтиришга ҳаққимиз йўқ. Маҳсулдорликни эса ошириб боришимиз керак.

— Энди яна хусусий фермага қайтсак. Хўш, унинг келажаги нима бўлади?

— Фермамизнинг эртасидан умидвор бўлганимиз учун ҳаммамиз бир жон-бир тан бўлиб ишлаб юрибмиз. Юқорида айтиб ўтганимдек, фермамиз раиси Асрор Солиҳов тадбиркор йигит. Ўтган ойларда кўп ишлар қилинди. Жумладан, ўзимизда колбаса ишлаб чиқариш цехи очилди, бир трактор, икки тележка, бир пичан тойловчи ва юкловчи агрегат сотиб олдик. Фермадаги шароитни яхшилаяпмиз. Зотдор бузоқлар боқяпмиз. Афсуски, бу йил беда майдонимиз 120 гектардан 75 гектарга тушиб қолди. Лекин хўжалик билан келишиб, такрорий экин майдонидан фойдаланиш чорасини кўрамиз.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2 август куни Тошкентда «Темурийлар тарихи — бизнинг буюк меъросимиз» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган бу анжуманда темурийлар даврини ўрганаётган олимлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хотин-қизлар ташкилотларининг, республикамиздаги бошқа ижтимоий ва илмий муассасаларнинг вакиллари иштирок этди.

АЁЛЛАР МАСАЛАСИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова анжуманни очар экан, Амир Темур аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига, уларнинг фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор берганини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбарияти, Президентимиз Ислом Каримов ҳозир ўтмишнинг ана шу доно тамойилларига амал қилиб, хотин-қизларимизнинг яхши яшаб, самарали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитни яратмоқда.

Анжуманда темурийлар даврида Шарқ хотин-қизларининг эркини оширишга кўмаклашган нуқтаи назар ва амалий чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди, ҳозирги кунларда долзарб бўлиб турган хотин-қизларни республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига фаол жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

КЎЛЛАР ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида балиқчиликни ривожлантиришда бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо Орол денгизи сувининг ҳаддан ташқари қуриб бораётганлиги, Амударё сувининг денгизга етиб бормаётганлиги балиқчиликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жанубий Орол балиқчилари бундай оғир, серташвиш машаққатлардан чўчиётганлари йўқ. Балиқ — етти хазинанинг бири экан, уни ривожлантиришда Қорақалпоғистонда, Жанубий Оролда қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида бир неча савол билан «Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик уюшмаси раиси Қаипберген Ерпўлатович ЮСУПОВга мурожаат қилдик.

— Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида «Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик уюшмасининг асосий вазифаси нималардан иборат?

— Бирлашмамизнинг асосий мақсади сўнгги йилларда Амударё сувининг кескин озайиши, Орол денгизи ҳамда унинг атрофидаги кўлларнинг қуриб кетиши туфайли эътибордан четда қолаётган балиқчилик саноати ва балиқчилик хўжаликларида иқтисодий ислоҳотларни тезроқ амалга ошириш асосида аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган кундалик эҳтиёжини қондиришдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун узоқ муддатли дастур ишлаб чиқилди.

Шу кунгача балиқчилик саноати асосан Мўйноқ туманидагина ривожланиб келган бўлса, энди бу соҳани республикамизнинг барча 15 туманида юксалтиришимиз лозим. Бирлашмамизнинг ташкил топганига қисқа вақт (1995 йил 15 май) бўлишига қарамасдан ҳозир Шуманай, Қораўзак, Чимбой туманларида янгидан балиқчилик хўжаликлари барпо этилди. Тўрткўл, Амударё, Хўжайли, Қонликўл, Кегайли туманлари ҳокимликлари билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширяпмиз.

— Орол денгизи қуриши, Амударёда сув жуда камайиб бораётган мураккаб пайтда балиқ овланадиган ички ва сунъий кўлларнинг ҳозирги аҳволи қай даражада?

— Республикада балиқ овлашга, балиқ заҳирасини кўпайтиришга яроқли 200 минг гектардан зиёд 80 дан кўпроқ майда ва йирик кўллар бор. Балиқ овлаш, асосан, Междуречье, Думалоқ, Довиткўл, Жилтирбос, Равшан-Судочье кўлларида олиб бориляпти, бошқа кўллар билан бироита ҳам балиқчилик хўжалиги шуғулланмаган. Шунингдек, янгидан ташкил топган Тахтакўпир, Беруний, Шуманай туманларидаги балиқчилик хўжаликлари овлаш анжомлари билан тўлиқ таъминланмаганлиги туфайли уларда ишлаб чиқариш даражаси паст бўлиб қолаётир. 25 та йирик кўлни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарори билан балиқчилик жамоа хўжаликлари ихтиёрига ўтказдик. Эндиликда улар шартнома асосида ишлайдилар, кўлларнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланадилар.

—Балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда аҳвол қандай?

—Ўтган йили республикада 2115 тонна балиқ овланди. Бу балиқчилик хўжаликларида дудланган ва тузланган балиқ тайёрлаш цехлари ишга туширилади.

— Аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозиргача яхши йўлга қўйилмаган. Республиканинг Нукус, Тахиатош, Хўжайли ва бошқа шаҳар, туманларида балиқ сотадиган дўконларни очиш мумкин эмасми?

— Тўғри! «Нукусбалиқ» ҳиссадорлик жамиятида 40 гектар, Мўйноқ балиқчилик хўжалигида 400 гектар майдонга эга ҳовузлар бор. Афсуски, ўтган йили Мўйноқ балиқчилик хўжалигидаги ҳовузларга июль, август, сентябрь ойларида сув қуйилмаганлиги туфайли балиқчилик яхши ривожланмади ҳамда бу ҳовузларнинг эгалари бўлмади. Шунинг учун ҳам мазкур ҳовузлар 1996 йилда шахсларга шартнома асосида биркитилиб берилди. Балиқ урчитадиган инкубация цехини ишга тушириб, тирик балиқ тайёрлашни 300-400 тоннага етказамиз.

Долзарб муаммо

булутургига нисбатан 307 тонна кўп демак. Шундан 9 миллион донага яқин балиқ консерваси ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич 1994 йилдагидан 1 миллион дона ортиқ.

Бу йил консерва ишлашни тўлиқ ўзлаштирамиз. Бундан ташқари, полиз маҳсулотларидан консерва, томат пастаси ва тайёрлашни ўзлаштирамиз. Янгидан ташкил топган балиқ-

Ҳозир Нукус, Тахиатош, Мўйноқ, Чимбой шаҳарларида балиқ сотадиган дўконлар очилди. Бу ишни кенг авж олдириш ниятимиз бор.

— Яна қандай муаммолар бор?

— Республикада балиқчиликни ривожлантириш учун биринчи навбатда табиий ва сунъий сув ҳавзаларида, кўлларда доимий равишда муайян миқдорда чучук сув бўлиши керак. Бунинг учун Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги шу муаммони ҳал қилиб берса, Қорақалпоғистонда балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2-3 йил ичида бир-бир ярим баробар кўпайиши шубҳасиз.

Иккинчидан, бундан ўн йил муқаддам балиқ овлашни ман қилувчи махсус инспекция бор эди. Уни тиклаш айни муддао бўлур эди.

Учинчидан, Мўйноқ балиқ-консерва комбинатини хом ашё ва ускуналар билан таъминлаш, балиқчиларни эса ов анжомлари, махсус кийимлар, ҳар хил жиҳозлар билан таъминлаш талаб даражасида эмас. Ўзимизда овланган балиқлар комбинат эҳтиёжининг 20 фоизинигина қондиради, холос.

Тўртинчидан, минтақада балиқ урчитиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенг кўламда олиб бориш лозим.

Бу муаммолар ечими балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондиришнинг асосий омили эканини биргина биз эмас, шунга дахлдор мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳам унутмасликлари керак.

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» мухбири Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ёруғ кун

ТОПГАНИНГ ТЎЙГА БЕРСИН

Тўй инсоният маънавий дунёсининг кўзгусидир. Тўй халқимизнинг қадимий ва оилавий байрами. Шу билан бирга у миллий гуруримиздан нишона ҳамдир. «Топганинг тўйга буюрсин» деган тилак барчамизга бирдек ёқади. Аслида бу дуо замирида топганинг яхши кунларингга, хурсандчилигингга асқотсин деган эзгу ҳикмат мавжуд. Лекин зинҳор ва зинҳор тўйдан сўнг қарзга ботиш ёки ночор ҳолда қолиш дегани эмас. Лекин афсуски, кўпчилигимиз йиллар давомида игна билан қудуқ қазиб топган даромадимизни турмуш шароитимизни яхшилаш учун эмас, бир кунлик дабдабали тўйимизга сарфлашга, елга совуришга одатланиб қолаяпмиз.

Баъзиларимиз қимматчилик деб шовқин соламизу тўйларимизнинг шашти илгаригидан сира кам бўлаётгани йўқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, турмуш тарзимиздаги туб ўзгаришлар бизни ҳар соҳада тежамкорликка ўргатди. Лекин негадир тўйлар билан боғлиқ ортиқча тадбир ва сарф-харажатларни ҳеч камайтира олмаяпмиз. Бу ҳол кўнгилга бир томондан хавотир солса, иккинчи томондан таскин беради. Бу ҳол сандиқларимизнинг бутлиги ва назаримизнинг тўқлигидан далолатдир.

Тўйга тўёна билан келиш халқимизнинг мақтанишга арзигулик одатидир. Эл-улуснинг берадиган далдаси тўй эгасининг белини бақувват қилади, кўнглини кўтаради.

Маслаҳатли тўй тарқамас, деган ҳикмат халқимиз маънавий бисотидаги энг нодир гавҳарлардан бири. Лекин маҳалла оқсоқолини ҳам, маҳалла фаолларини ҳам писанд қилмай, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай тўй қилаётган тўралар ҳам йўқ эмас. Бундай ўзбошимчалик кўп ҳолларда урф-одат, тартиб-қоида ва меъёр мувозанатининг бузилишига сабаб бўлиб қолади. Тўй кўпчилик билан ўтадиган тантана. Шундай экан уни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш керак-да!

Мустақиллигимиз беш йиллиги эрафасида тўйлар ҳақида ўйлаётганимизнинг боиси бор. Ўтаётган ҳар бир кунимиз тўй бўлсин. Тўй-маракаларимиз жаҳон андозаларига мос равишда ўтсин ва улар миллий таомларимиз, миллий либосларимиз, миллий анъаналаримизни кўз-кўзлаш маросимига айлансин.

Алиқобил ЎСКАНОВ.

ТОМДАГИ ТЎПОЛОН

Бухоро-1 темир йўл бош бекати ички ишлар бўлими навбатчиси хонасидаги телефон жиринглади. Унинг гўшагини қулоғига тутган навбатчи чеҳраси тундлашди, у хўп-хўп, ҳозир дея гўшакни тез қўйиб олди-да, яна рақамларни чаққонлик билан терди.

— Ўртоқ бошлиқ, Олотдан ташвишли хабар олдик. Темир йўл ёқасида номаълум кимсанинг жасади топилибди.

— Вақтни бой берманг, тезроқ Ҳодиевни топинг, — буйруқ берди бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Саъдулла Шарипов.

Бўлимга зудлик билан етиб келган Холбой Ходиев ҳамкасблари—милиция капитанлари Равшан Исматов, Толиб Раҳмонов, лейтенант Азим Латиповлар билан воқеа содир бўлган жойга отланди.

Тезкор гуруҳ аъзолари манзилга етиб келганларида тун эди. Темир йўл излари ёнида қонга беланган йигит ётар, у худди жонсиздек эди. Йигит касалхонага ётқизилди, аммо ундан бирор сўз сўрашнинг имконияти бўлмади. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетди. Бечора йигит бу ёруғ дунёдан бевақт кўз юмганди...

Ҳозир манзилга етиб олишда энг қулай ҳамда арзон восита — бу поезд бўлиб қолди. Хусусан алоқа ва юк поездлари тижоратчи, саёқ юрувчи, киссовурларга қўл келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Умри бевақт хазон бўлган Зубайдулла Раҳматуллаев 17-«Қўнғирот-Тошкент» поездига чиқмаганида балки тирик қолармиди?..

Бултур 18 ноябрь куни мазкур поезд Туркманистоннинг Фароб бекатидан йўлга чиқди. Буни қарангки, ҳаво анча совуқ бўлса-да вагонлар тепаларида ўшқириб турган йигитга бепарвогина қараб қўйишди. Бундан босқинчининг жаҳли оловланди.

—Сенга айтаяпман, кармисан? Мана сенга!!!

Елкасига мушт тушган Мирҳамдин шунда ҳам босиқлик қилди. Буни кўрган зўравон Нодиржон Ўринов шерикларини имлади. Олтовлон Мирҳамдинга ёпишишди. Унинг курткаси, туфлиси ҳамда сумкасини қўлтиқлаганича калтак еяверди.

— Қараб турамизми қачон беради деб, пастга улоқтир!

Қимдандир чиққан бу даъват безориларни руҳлантирди. Зубайдуллани улар вагон томидан пастга улоқтириб, ўлжаларни қўлтиқлаганларича вагонма-вагон қочиб, кўздан ғойиб бўлдилар...

«Жиноят жазосиз қолмаслиги керак! Қотиллар ким? Кўпчиликнинг кўз ўнгида содир бўлган бу воқеага ким гувоҳлик беради?» Ана шу саволлар жиноят қидирув катта тезкор вакили Холбой Ходиевга асло тинчлик бермасди. Аниқ режа асосида иш тутиши оқибатида марҳумнинг йўлдошлари топилди.

— Эсларингни йиғиб олинглар-да, мана бу суратларга яхшилаб қаранглар, — деди майор шубҳали кишилар суратларини уларга кўрсатаркан. — Қотил шулар орасида бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Йигитлар бирма-бир суратларга разм солишди.

— Мана, ўшаларнинг бири, — дея йўлдошлар ёшгина йигитни кўрсатишди.

Калаванинг учи топилган эди. Уч кеча-кундуз деганда қилни қирқ ёрувчи изқувар-лар меҳнати билан олти жиноятчининг қўлига қишан солинди...

Ушбу жиноят ишини Бухоро вилоят суди судьяси Ҳикмат Аҳмедов кўриб чиқди. Жиноятчилар жазоландилар. Суд Жасур Рўзиев ва Отабек Рўзиевларни олий жазога, Шокир Бешимовни 19 йил, Акбар Қодировни 18 йилга Нодиржон Ўриновни 15 йилга, Ўктам Ҳожиевни 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмайди, албатта. Унинг қисматини қандай тарбия олганига, атрофидаги муҳитга тақаса ўринли бўлади. Юқорида биз жиноятчиларнинг аксарияти она сути оғзидан кетмаган болалар дедик. Ҳаммаси ҳақ гап. Нодиржон Уринов жиноятчиларнинг энг кичиги. У Олот туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида туғилган. Ота-онаси ажралишган, отаси Бобомурод Ўринов Чоржўйга кетиб қолгани учун ҳам Нодиржон момоси қўлида қолган. Бир бор судланган. Жасур Рўзиев шу туманнинг «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидан. Энди йигирмага кирганда ўз ҳаётига ўзи зомин бўлди. Унинг ота-онаси вафот этган. Бебош ўсганлиги учун илгари судланган, аммо хулоса чиқармаган.

Ҳукм ўқилди

Шокир Бешимов ҳам олотлик, Баёт қишлоғида яшаган. Тенг қилмаса—дуч қилмас деганларидек, у ҳам судланган. Фойдали меҳнат деса эти увишади. Ўктам Ҳожиев ҳам шулар тоифасидан. Ўн саккиз ёшида қотилларга шериклиги учун умрининг катта қисмини темир қафасда ўтказади.

Шу ўринда баъзи мулоҳазалар туғилади. Хўш, жиноятчилар оиласида тарбияга путур етган экан қишлоқдагилар нега бепарво? Муқаддам судланган тўрт «паҳлавон» милиция участка нозирлари назоратида бўлмаганми? Қишлоқ фуқаролар йиғинидагилар бунча ҳафсаласиз? Жамоатчилик таъсири қаёқда қолди?

«Яхшига қора юқмайди, ёмонга эл боқмайди» дейилгани чин ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз тарбияси эътибордан четда қолмасин.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Иззатулла ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

4. ИМОНИМ, ВИЖДОНИМ, ДОСТОНИМ — ШУ ВАТАН

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАВҲАРИ

Фарғона Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаётган жаннатмакон бир ўлкаси. Бепоён боғу роғларга, кенг пахтазорлар ва йирик-йирик саноат корхоналарига эга ўлка. Президентимизнинг уни «Ўзбекистоннинг гавҳари», деб таърифлагани бежиз эмас: Машина Қува тумани кўксидан ўтган текис асфальт йўлда елиб боряпти. Енгил нафас оламан. Дилдаги енгиллик ҳавонинг мусаффолигиданми ёки хирмонларни тўлдириб ғарам-ғарам ҳаёт неъматларининг мўл-кўллигини кўриб, халқимиз дон мустақиллигига эришишдаги орзулари рўёбга чиқаётганига ишонч ҳосил қилаётганиданми, хуллас:

Ажиб бир ҳис ажиб бир туйғу,
Қамраб олмиш жону-дилимни.
Фарғонанинг кенг қучоғида,
Ғоят шодон кўрдим ўзимни!

«Фарғона маликаси» Гулнорахон Маърупова очиқ дил билан, гулгун чеҳра билан кутиб олди бизни. У киши Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби вазифасини ўтаётган экан.

— Фарғоналикларнинг кайфияти баланд ажойиб бир чоғларда ташриф буюрдингиз-да, — деди ибо билан саломлашаркан Гулнорахон. Куни кеча пиллакорларимиз улкан ғалабани қўлга киритди. Пилла етиштиришга тузилган 4000 тонналик шартнома ортиғи билан бажарилди.

ГЕРМАНИЯНИНГ ФАРҒОНАЧА ПОЙАБЗАЛИ

Куннинг иккинчи ярмида «Узсаламан» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонасида бўлдик. Дарвоқе, бугунги кунда Фарғонада хорижий мамлакатлар ҳамкорлигида 60 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилган бўлиб, улар вилоят иқтисодиётида ўзига хос ўрин тутмоқда. «Ўзсаламан» ҳам шундай корхоналардан бири.

Республика ҳукумати янги корхонани ишга тушириш учун икки миллиондан зиёд немис маркаси ажратган. Германиялик дўстларимиз ҳам ўз навбатида асбоб-ускуналар, хом ашёларни ташиб келтириб, уларни ўрнатишган. Корхонада ўтган йили 7 декабрь куни биринчи маҳсулот ишлаб чиқарилганди. Ҳозирги кунда эса корхона жамоаси бир кунда 1500 жуфт 12 тур тўрт хил рангдаги пойабзал ишлаб чиқаряпти. Корхонада тўрт юз киши иш билан таъминланган. Йил охирига бориб ишловчилар сонини 450 га етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг устига ишчиларнинг ўртача иш ҳақи ҳам яхшигина, ойига 3500-4000 сўмни ташкил этяпти. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳозирча республикамиз бозорларида сотиляпти. Зарур хом ашёлар эса бу ҳам ҳозирча, Германиядан келтириляпти. Лекин вилоят раҳбарияти яқин йилларда хом ашёни ҳам ўзларида тайёрлаш тадоригини кўряпти.

Ишчилар учун яратилган шароит — олий даражада! Биз корхона маданий ҳордиқ чиқариш мажмуини, ишлаб чиқариш биноси ичида яратилган муҳит, ихчамгина безатилган гузар, фирма магазинлари — барини томоша қилдик. Шундай корхоналар мамлакатимизда қанча кўп бўлса, халқ иқтисодининг яхшиланиши, давлатимиз қудратининг оша боришига шунча замин туғилаверади.

ЖУРНАЛИСТ — ФЕРМЕР

Эртасига Олтиариқ сари йўл олдик. Олтиариқнинг ҳар икки томони боғ билан ўралган экан. Эски араб қишлоғи ҳудудига келганда ҳамроҳим, газетамиз мухбири Алишер Ибодинов рулни негадир чап томон — тепаликдаги боққа қарата бурди-да, ўрикзор ўртасидаги омонатгина қурилган кичик капа олдида тўхтади.

— Қаерларга келиб қолдик, Алишер? — дедим ҳеч нарсага тушунмай.

— Менинг фермерлик хўжалигимдасиз, Қурбон ака — жавоб берди у. — Мана, учинчи йилга кетди. Тўрт гектарлик ерда деҳқончилик қиляпман. Бир минг туп Хўжанд навли бодом, минг туп субхони ўригидан экканман шу манзилга. Ўриклар мева бера бошлади.

Дастлаб ҳамроҳим сўзини ҳазилга йўйдим. Боғни айлангач, ишонишга тўғри келди. Бир гектарча майдонда бўғдой ғарқ пишиб ётибди, ҳосилни ўришни бошлаганлар. Бир томонда тарвуз, бодринг, пиёз. Нариқда беда, шафтолизор...

Машҳур Олтиариқ бодрингини ўз қўлим билан балдоғидан узиб татиб кўрдим, ўригидан ҳам насибамиз бор экан, мазаси тилда қолтомчи ёшда қуёш аксини кўрдим. Аждодларига бўлган қуёшдай меҳр ва тақдиридан мамнунлик аломати деб тушундим мен унинг бу ҳолатини ўзимча.

ТЎХТАСИН БУВАНИНГ КЎПРИГИ

Йўлга чиқиб, машина энди тезликни олаётган ҳам эди, яна тўхтаб ўтишга тўғри келди. Бундай қарасак, 5-6 нафар киши йўлнинг ўнг томони бўйлаб оқаётган Сўх—Шоҳимардон каналига кўприк қуриш билан овора. Кун ҳам исигандан — исиб боряпти. Лекин «қурувчи»ларда чарчоқ аломати йўқ. Олдимизга 70 ёшларни қоралаб қолган чол пешвоз чиқди. Тўхтасин бува Эски араб қишлоғидаги Эшон маҳалласининг оқсоқоли экан. Саккиз нафар фарзанд, 45 та невара-чеваралик бува ўз ташаббуси билан, ўз маблағига қишлоққа кечув кўпригини қурдиряпти. Эътибор қилинг, қишлоқ тарихида 27 раис ўтгану, уларнинг бирортаси ҳам шу жойга кўприк қуриш кераклигини хаёлига ҳам келтирмаган. Улар «қилолмаган» ишни бува ўз зиммасига олган. Саховатпеша одамлари кўпда Ўзбекистоннинг!

Бува билан хайрлашгач, йўлда яна 5-6 манзилда тўхтадик, кунимиз қаҳрамонлари билан учрашдик. Янгиобод жамоа хўжалигида, «Пахтақайнар»да бўлдик, шифобахшлиги билан Ўзбекистонда тенги йўқ «Қайнарбулоқ»нинг сиҳатбахш муздек сувидан тўйиб-тўйиб ичдик, қурилаётган шифо масканларини томоша қилдик.

Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади, дейишади. Тасодифни қарангки, бундан 17 йил муқаддам бир гуруҳда ўқиган курсдошим, Ўзбекистон тумани ҳокими Акромжон Сиддиқов билан «Пахтақайнар»да учрашиб қолдик. Кутилмагандаги учрашув ҳар иккаламизни бир дақиқа лол қилиб қўйди, сўнгра қучоқлар очилиб, бағирлар туташди...

Қўқон шаҳрини сайр қилганда маҳобатли драма театри биносини кўрдик, шаҳар ўлкашунослик музейида бўлдик. Қўқон назаримда Фарғона тарихи ва бугунининг катта саҳифаси сифатида намоён бўлди. Бу шаҳар ўзининг тарихий ва янги қурилган бинолари билан, савдо гузарлари, кўкка бўй чўзган ям-яшил чинорлари, соясалқин кўчалари билан бошқа шаҳарлардан ажралиб туради.

Ҳамроҳим мени Водилга олиб борди, Шоҳимардоннинг муқаддас тупроғини зиёрат қилдик. Фарғона гавҳар бўлса, Шоҳимардон унинг дурдонаси мўъжизаси экан. Ушбу даргоҳнинг олдинги сирсиноати, мўъжизаси, унинг мусаффо ҳавосида, оқ булоғу кўк булоқдан оқиб келаётган шаффоф сувларида ҳозир ҳам сақланиб келаётгандай туюлди менга.

Воҳ, дил, сенга учрагач, кўнгил уммона чиқди,
Дилимда эҳтиролар қалқиб забона чиқди.
Бир вақтлар ботил ўлган Шоҳимардон бобонинг
Руҳи қайта тирилди, эркин замона чиқди.
Юртбоши гавҳар қилиб, номинг кўкка кўтарди,
Бугун улуғворлигинг жумла жаҳона чиқди!

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

БАЛИҚЧИНИНГ «ЎЛЖАСИ»

· ВОРОНЕЖ. Воронежлик балиқчи Нововоронеж атом электростанцияси чиқиндилари тўкиладиган каналга тўр ташлаб, кутилмаган «ўлжа»га эга бўлди. Мазкур ўлжа ҳарбий авиацияда танкларга қарши қўлланиладиган иккита бомба бўлиб, ҳар бирининг вазни 2,5 килограмм келади.

Айни вақтда вазиятни ўрганаётган Россия Федерацияси Мудофаа ва фавқулодда ҳодисалар вазирлигининг махсус бригадаси ҳамда шаҳар милиция бўлинмаси аъзоларини бир савол қийнамоқда — 1982 йилда Россиядаги ҳарбий заводларнинг бирида ишлаб чиқарилган ушбу бомбалар қандай қилиб канал тубидан «жой» олди экан?

ТАРЖИМОННИНГ ХАТОСИ

· ТОКИО. Американинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган Ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашган Япония терма жамоаси Олимпиададаги айрим таржимонлар хизматидан норози бўлди.

Аёллар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларнинг «бронза» медали совриндори ЮКО Аримори мусобақа сўнгида журналистларнинг саволига «Мен машғулотларни доимо ўз юртимда ўтказаман» деб айтган. Америкалик таржимон эса бу сўзларни инглиз тилига «Мен ҳамма жойга ўз мураббийим билан бирга бораман» деб ўгирган. Лекин бундан ҳам ёмони шундаки, мазкур спортчи аёлнинг «Кўзимдаги ёш—қувонч ва севинчдандир», деб айтган гапларини Олимпиада ташкилотчилари «Спортчи ўз натижасидан норози бўлиб йиғлаётганини маълум қилди», дея оммавий ахборот воситалари вакилларига ёзма хабар тарқатган. Шу муносабат билан Япония терма жамоаси ушбу ҳужжатга раддия бериб, унинг бекор қилинишини талаб этди.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

· БОГОТА. Қолумбиянинг Сантандер департаментида рўй берган автоҳалокат туфайли 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 10 дан зиёди эса оғир жароҳатланди.

Маълум бўлишича, таъмирлаш ишлари ўтказилаётган катта йўлдан юқори тезликда кетаётган бензин ташувчи автомашина йўл ёқасидаги уйлардан бирига бориб урилган. Ҳайдовчининг эътиборсизлиги кучли ёнғин юз беришига сабаб бўлди. Энг ачинарлиси шундаки, ҳалок бўлганларнинг қарийб барчаси ёш болалар бўлган.

Ҳодиса айбдори, юк машинаси ҳайдовчиси эса тасодифан тирик қолиб, жиноят содир этилган жойдан ғойиб бўлган..

БОШ ВАЗИРНИНГ ҲАРАКАТИ ҚОРАЛАНДИ

· ТАЙБЭЙ. Япония ҳукумати раҳбари Рютаро Хасимотонинг «Ясукуни» эҳромини зиёрат қилиши Жанубий Осиё мамлакатларида кескин норозиликка сабаб бўлди. Чунки мазкур эҳром Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги Японияниинг босқинчилик юришларида қатнашиб ҳалок бўлган ҳамда урушдан сўнг халқаро трибунал ҳукми билан қатл этилган ҳарбий жиноятчилар «руҳи ором топган макон» саналади.

Шу муносабат билан Тайван, Хитой, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Жанубий Корея Республикаси ҳукуматлари Япония Бош вазирининг бундай ҳаракатини кескин қоралади.

ШУБҲАЛИ ШАХС ҲИБСГА ОЛИНДИ

· ТБИЛИСИ. Грузияда марҳум россиялик тележурналист Владислав Листьевнинг қотили сифатида шубҳа қилинаётган Россия фуқароси ҳибсга олинди. Бу ҳақда Грузия хавсизлик вазири генерал-лейтенант Шота Квирая РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирига маълум қилди.

Генерал-лейтенант Ш. Квирая жиноятчини ҳибсга олиш операцияси жараёни ҳақида маълумот берган бўлса-да, судгача унинг шахси ошкор қилинмаслигини айтди.

ТАЙФУН ОҚИБАТИ

· ПЕКИН. Сўнгги кунларда Жанубий Хитой ва Тайван «Херб» деб аталган кучли тайфундан катта зарар кўрмоқда. Тайфун иқтисодиётгагина таъсир этмасдан, инсон ҳаётига ҳам зомин бўлмоқда. Охирги ана шундай тайфун вақтида Тайванда 60 нафар киши ҳалок бўлди, 400 нафардан зиёди эса оғир жароҳатланди.

Табиий офат туфайли икки кун давомида Тайванда ҳукумат муассасалари ва банклар ишламаган. Маҳаллий ва халқаро авиа қатновлари бўйича самолётлар учиши эса эндигина бир маромга тушаётир. Лекин, оролдаги минглаб хонадонларда ҳали ҳам электр чироғи ёнгани йўқ.

МУВАҚҚАТ ПРЕЗИДЕНТ ВАФОТ ЭТДИ

· МОГАДИШО. Сомалида ўзини муваққат президент деб эълон қилган генерал Муҳаммад Фараҳ Айдид вафот этди. Ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, у 26 июль куни мамлакат пойтахтида бўлган жангларда оғир яраланган эди.

Генерал Муҳаммад Фараҳ Айдид бошчилик қилган кучлар Могадишонинг жанубий қисмини эгаллаб олиб, эндиликда бутун шаҳарни ўз ҳукмига бўйсундириш мақсадида жанг олиб бораётган эди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ

· ТОКИО. Япония пойтахтида «Ядро қуроли синовларини бутунлай тўхтатиш тўғрисидаги битим имзоланишини тезлаштириш» шиори остида халқаро конференция бошланди. Япониядаги ядро қуролларига қарши ҳаракат фаоллари ва кўплаб хорижий мамлакатлар вакиллари қатнашаётган мазкур анжуман Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари бомбардимон қилинган куннинг 51 йиллиги арафасида ўтказилмоқда.



ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

· ВАШИНГТОН. «АҚШ маъмурияти Хитой билан ҳукумат даражасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ниятида», деб таъкидлади Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Уоррен Кристофер.

Маълумки, икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг Жакартадаги учрашувида шу йилнинг охирида мудофаа вазирлари, 1997 йилнинг бошида эса икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказиш келишиб олинган эди.

***

· ДЕҲЛИ. Жалолобод шаҳри яқинида Афғонистоннинг Рдад ва Шинвари қабилалари ўртасида қуролли тўқнашув юз берди. Натижада 15 киши ҳалок бўлди, 50 киши яраланди.

Бу можаронинг туб сабаби икки қабила ўртасида анча вақтдан буён давом этиб келаётган ҳудудий келишмовчиликдир. Айни пайтда Рдад ва Шинвари қабилалари тўп ва бошқа йирик жанговар қуроллар сотиб олмоқда.

***

· РИМ. Италия ҳарбий трибуналининг миллатчи Эрих Прибкени оқлаши мамлакат аҳолиси орасида кескин норозилик келиб чиқишига сабаб бўлди.

Маълумки, 1944 йилда капитан Эрих Прибке буйруғига биноан 335 италиялик асир ваҳшиёна ўлдирилган эди.

Яқинда трибунал биноси олдига минглаб одамлар йиғилиб, 83 ёшли Эрих Прибкени олий жазога ҳукм қилишни талаб қилди. Бироқ, Италия адлия вазири Жованни Мария Флик собиқ фашист, то ГФРга жўнатилгунга қадар, Римдаги қамоқхоналардан бирида сақланажагини маълум қилди.

***

· ЛОНДОН. Англиянинг Гатвик аэропортидаги самолётларнинг учиб қўниши учун ажратилган жойда замбарак ўқи топилди. Маълум бўлишича, ўқ Иккинчи жаҳон уруши даврида ишлаб чиқарилган бўлиб, шу пайтгача ер остида ётган экан.

Ҳарбий мутахассислар текширувидан ўтказилган антиқа замбарак ўқи зарарсиз деб топилди ва аэропорт фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмади.

***

· ПЕКИН. Тинимсиз ёғингарчиликлар натижасида Янцзи дарёсининг суви кўтарилиб, Хитойда сув тошқини хавфини туғдирмоқда.

Сув сатҳи аввалги кўрсаткичларга нисбатан 21 сантиметр юқорига кўтарилган дарёнинг қуйи оқимлари бўйида Цзянсу вилоятига қарашли еттита шаҳар жойлашган. Улар аҳолисининг умумий сони 180 минг кишини ташкил қилади.

Аломат гаплар

ЦИРК ҚУРБОНСИЗ БЎЛМАДИ

Штутгарт. Шаҳар циркининг довруғи узоқ-узоқларга кетган. Цирк жамоасининг охирги янги «Афсонавий чиқишлар»ини цирк мухлислари катта қизиқиш билан кутиб олди. Маҳаллий телекўрсатувлар ҳам қайта-қайта кўрсатди. Лекин фалокат оёқ остида дейишади. «Афсонавий чиқишлар»нинг энг қизғин, ҳаяжонли палласи — сув тўла шиша камерадаги томоша фожиали тугади.

Олти нафар кўз бойлағич-артистлар сув тўлдирилган шиша камерага тушишди. Энг мураккаб тюрик-томошани ҳамма юрак ютиб кузатарди.

Олти нафари баравар сакрашди кутилмаганда беш нафари сувга «чўкиб» кетди. Гарчи улар мустаҳкам муҳофаза уст-боши кийишган бўлса-да, фожиа содир бўлди. Мутахассисларнинг фикрича улар бараварига сувга «шўнғиганда» сув тўлқини уларни «пастга улоқтирган» экан.

— Бу трюк-томоша хавфли, қалтис жуда. Лекин артистларимиз буни билишарди, тажрибалари етарли эди-ку? Яна шуниси ачинарлики, улар билишарди «ўлим билан ўйнашаётганини», — дейди томоша ташкилотчиси Хорст Мюльхорн.

Қалтис томошалар, кинофильмлардаги мураккаб томошаларни махсус одамлар ижро этишади. Негаки, бу «томоша»лар жар ёқасида кўз боғлаб юришдек гап. Санъат ҳам йўқотишларсиз бўлмайди. «Йўқотиш» эвазига янги томоша «топиш»лар юзага келади, асли.

ҚОПЛОН ОМОН ҚОЛДИ

Рио-де-Жанейро. Ҳа бу ўша «Тропиканка сири» ошкор бўлган шаҳар. Воқеа маҳаллий ҳайвонот боғида рўй берди. Карлито лақабли қоплоннинг юраги уришдан тўхтаб қолди. Ҳайвонот боғи маъмурияти типирчилаб, саросимага тушди. Ахир ташвишланмай бўладими, вазни 105 килограммлик баҳайбат қоплонни дуч келган ҳайвонот боғидан тополмайсиз-ку?!

Боғ хўжайинининг «мўъжизаси» билан қоплоннинг юраги қайта ура бошлади. Хўжайини Карлитонинг юрагини уқалаб, сунъий нафас олдирди.

Руёми-риёми

ҚАБРДАГИ СИРЛИ ЧИРОҚ

Кентукки штати. Кейинги пайтда бу кичкина қишлоқдан юзлаб одамларнинг қадами узилмай қолди. Тун чодири тушалиши билан кимдир томошталаб, кимдир тақводорликдан қабристон сари йўл олади. Тўққиз яшарлик қизалоқнинг қабрига бировлар бу дунёда қилган гуноҳларидан фориғ бўлиш учун худога илтижо қилса, бири эса эрмак учунгина яқинроқдан кўришга интилади.

Бу Сесилилар хонадонининг кичкинагина қабристони. Авлодларидан бир нечтасининг хоки шу ерга дафн этилган. 1991 йилда хонадон бошига оғир мусибат тушди. Эндигина 9 ёшга тўлган Джолина Хайд автомобиль халокатига учради. Қизалоқни чорбоқ четидаги оилавий қабристонга кўмишди. Оғир жудолик 73 яшарлик қария Сесили Уоллерни тушакка михлаб қўйди. Қизалоқ бувасини жуда севар, доимо у билан сайр қиларди. Бўш вақтлари ўпка ракига учраган буваси ёнидан жилмасди.

Невараси оламдан ўтгач қария баттар оғирлашди. Бир куни тунда чол жонталвасасига тушди. Тўсатдан хонани хира нур қоплади. Оила аъзолари хайрон бўлишди. Чол ҳам тинчланиб қолди. Ёруғлик чорбоқ тўридан, Джолинанинг қабридан таралаётганди. Шу-шу қоронғу тушиши билан қабрда сирли чироқ ёна бошлайди. То тонг бўзаргунча. Сўнг чироқ сўнади. Буваси эса кроватини дераза ёнига қизалоқнинг нурига тўғрилаб қўйган.

— Одамларимиз бу воқеадан жуда ҳаяжонда, — дейди қишлоқдаги баққоллик дўкони соҳиби Боб Касл. — Бундан ҳамма ўзича хулоса чиқаряпти. Биламизки, жажжи қизалоқ осмонда фаришталар билан бирга. Унинг руҳи бизни кўриб турибди. Бувасини кутяпти чамамда. Қария эса яна Джолина билан ҳар тун «биргалигидан» таскин топяпти.

Ҳа, балки ҳақиқатан ҳам шундайдир. Одамлар орасидаги ўзаро қон-қариндошлик риштасини ҳатто ўлим ҳам ажратолмас. Кўнгил риштаси, интиқлик, жажжи қизалоқнинг руҳи қариянинг кунглига таскинлиги рост. Қабрдаги чироққа мурожаат қилаётганларнинг руҳи пок, енгил тортаётганлиги ҳам рўё асли.

Табиат мўъжизаси

ИККИ ОЁҚЛИ УЛОҚ

Орегон штатида яшовчи Дезмон Хинкль ҳозир кексайиб қолган. Фарзандлари эса улғайиб ўз йўлини топиб кетишган. Кунглида болаларини согиниш ҳиссини туйганда қария дала ҳовлисининг бир четида ўсган дарахт соясига чўнқайиб ўтирарди.

Дўппайиб турган кичкина тепалик — қабрга хомуш тикилганча уларнинг болалигини хотирлайди. Оддийгина дўнг тепалик. Лекин чол учун азиз, бутун қишлоқдагилар бу тепалиқ олдидан эътиборсиз ўтиб кетолмайдилар.

— Умрим фермерлик билан ўтди. Лекин бунақа воқеани биринчи кўришим. Икки оёқли орқа оёқлари йўқ улоқ туғилди, — дейди фермер қария. — Олдинига улоқчани ўлиб қолса керак деб ўйладик. Йўқ, ўлмади. Бошида унинг икки олдинги оёгида «юришга» ўргатолмадик. Айниқса, болаларим, маҳалламиз болалари улоқчани мўъжизадек кузатганди. Бора-бора улоқча ҳаммамизнинг эрмагимизга айланди-қолди. Тик оёқда чарчаса, эшикка ёки шу дарахтга келиб суянарди... Баъзан шундай туриб ухлаб оларди.

Итларнинг ҳужасига содиқлиги ҳақида кўп биламиз. Лекин бошқа ҳайвонлар ҳам «ўз оила аъзоларига» вафодор. Айтайлик, шу икки оёқли улоқча!

— Лақаби Сильвер эди. Ҳали эсимда. Икки яшарлик ғилчамиз ҳовуз лабига келиб қолибди. Сильвер хавфни сезганини қаранг. Югуриб бориб, болакайни икки оёғи билан ҳовуздан нари итариб кета бошлади. Сувдан анча нари олиб кеттач, маърай бошлади. Сильвер болаларим билан ўйнарди. У бўлса кунглим хотиржам бўларди. Қуй қурасини эса посбон итдек гир айланиб соқчилик қиларди.

Фермернинг айтганича бор. Сильвер 16 йил яшади. У билан бирга ўйнаган болалар аллақачон кап-катта, одамлар, мустақил яшашади. Бир неча йил олдин Сильвер оламдан ўтди. Дезмон Хинкль уни шу тепаликдаги дарахт тагига кўмди. Чунки икки оёги толиққанда Сильвер шу дарахтга суяниб дам оларди. Қишлоқдагилар йиғилиб шу қарорга келишди. «Ҳаммамиз уни ўтган-қайтганда эслаб турамиз. қуриниб турсин!» дейишди улар.

Оталарини зиёрат қилишга келган барча қишлоқ ёшлари неча йил ўтган бўлсаям ҳамон гулдаста кутариб, шу дарахт соясига тўпланишади. Улар ёшликларини шу ерда хотирлашади. Фермернинг фарзандлари эса «Ота, гўё Сильвер бизнинг болалик хотирамиз рамзидек! Йўғимизда «елгизлатиб қўйманг»,— дейишади.

Ҳа, болаликдаги ширин хотиралар инсон қалбига фақат эзгулик уруғини сепади.

Мулоҳаза

4. ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

Кимнингким юрагини муҳаббат ишғол қилган бўлса, унга ҳурлик ҳақида гапириш бефойда.

Кимнингким қалбида муҳаббат уйғонган бўлса, муҳаббатнинг овозини эшитади.

Муҳаббат кўзларини бойлаган мардумга текис, равон йўл кўрсатинг, у муҳаббат буюрган эгри йўлдан кетади...

У ҳеч кимни аямайди, ҳатто Цезарь каби ҳукмдорларни ҳам...

Клеопатра билан Цезарь учрашган куннинг эртасига муҳаббат Цезарь орқали жангда унинг ҳузурига ёниб келган Птоломейга опаси билан ярашишга ва ҳукуматни бошқаришга буйруқ беради.

Ҳотинининг маккорлиги ва Цезарнинг беқарорлигидан кўнглининг туб-тубигача ғазабланган Птоломей бошидан шоҳлик тожини юлқиб олди ва уни римликлар оёғи остига ташлаб, саройдан югуриб чиқди. Унинг қичқиригини эшитишди.

Потин эса анчадан бери зимдан римликларга қарши халқнинг нафратини тайёрлаб борарди. Оломон Цезарь тўхтаган уйга яқинлашди, лекин унинг пайдо бўлиши ва нутқи александриялликларни шу лаҳзадаёқ ҳушёр торттириб қўйди.

Цезарь Птоломей XIII ва Клеопатрани Мисрнинг ҳукмдори этиб тайинлади ва бунинг шарафига зиёфат берди. Байрам кечасида Цезарнинг қули Мисрнинг бош ҳарбий қўмондонлари римликларга қарши фитна уюштираётганлигини эшитиб Цезарь зални ўраб олишларини буюради. Қисқача жангда Потин билан бирга мисрликларнинг бир қисми ўлдирилади, бошқалари эса қочиб кетишга муваффақ бўлди. Клеопатранинг опаси Арсиноя ҳам қочиб қутилади. Клеопатранинг Цезарь билан муносабати ва Птоломейнинг ожизлигидан ғазабланган армия халқ билан бирга Арсинояни малика қилиб кўтаради. Александрия уруши бошланади.

Бу уруш давомида машҳур Александрия кутубхонаси ёниб кетди. Чекиниш имкониятидан маҳрум римликлар ўзларидан сон жиҳатдан устун бўлган рақибларининг ҳамма ҳужумларини қайтариб, қўшимча кучларни кутдилар ва ҳал қилувчи жангда мисрликларни тормор қилдилар. Цезарь томонидан шафқат қилиб қўйиб юборилган Птоломей чекинаётганда тасодифан денгизга чўкиб кетиб, ҳалок бўлди. Миср бус-бутун Цезарь томонидан маҳв этилди ва Клеопатранинг оёғи остига ташланди. Маликанинг Помпей — кичкина ёрдамида очишни мўлжаллаган воқеа содир бўлди. Тақдир юлдузи унга орзулари ушалишида ёрдам берди.

Маҳмуда ЖЎРАЕВА.

ТАЪЛИМ ВА НАФОСАТ

АДАБИЁТ— КЎНГИЛНИ ГУЛЛАТАДИ

Кўп қаватли бинолар оралаб ишдан қайтарканман, йиғламоқдан бери бўлиб саросимада турган 11-12 ёшлар чамасидаги қизалоқнинг ёнидан бефарқ ўтиб кетолмадим. Унинг қўлларида қанақадир, муқовалари кирланган, саҳифалари ғижимланиб кетган китоб... Тухтаб қизчани саволга тутдим:

— Отинг нима?

— Зулайҳо.

— Сени ким хафа қилди?

— Наргиза.

Зулайҳо ўзини тутолмай хиқиллаб йиғлаб юборди.

—Кеча тугилган куни эди. Мен шу китобни совға қилувдим. Қаранг, бугун уни ғижимлаб атайлаб эшигимиз ёнига отиб кетибди...

— Йуг-э, балки бу бошқа китобдир!..

— Йуқ, ўша! Мен совға қилган китобнинг худди ўзи!

Мана, қаранг, ичига ёзиб ҳам қўювдим!..

Китобни Зулайҳонинг қўлидан олиб дастхатга кўз югуртирдим: **«Севимли дугонам НАРГИЗА! Туғилган кунинг билан чин дилдан табриклайман. Сенга чинор умридай узун умр, бахт ва саодат тилайман. Дугонанг Зулайҳо».**

Вужудим алланечук бўлиб кетди. Ўша қизалоқ китобга қўшиб шу покиза тилакларни ҳам тупроққа қориб ташлаганини сездимикин! Китобнинг — шеъриятнинг қадрини билармикин? Наргиза дугонасидан дурустроқ — қимматбаҳороқ совға кутдимикин? Балки унга бу китоб ёқмагандир?.. Нима бўлганда ҳам фарзандларимизнинг китобга нисбатан беписандликлари, унга уйда турадиган оддий бир буюм сифатида қараётганликлари — ҳақиқат! Ҳолбуки, халқимиз қалбида адабиётга муҳаббат ҳали адабиёт сўзи ёки адабиёт фани шаклланмасдан илгари пайдо бўлган энг қўҳна ва муқаддас туйғудир.

Сира эсимдан чиқмайди: талабалик йилларимизда халқ оғзаки ижодидан намуналар тўплаб келиш учун Избоскан туманига борганмиз. Ушанда 94 ёшли Салтанат энадан жуда кўп уланлар ва ер-ёрларни ёзиб олганман. Хайрлашаётганимизда онахон араб дастхатидаги жажжигина қўлёзма китобни: «Қизим, бунда нима ёзилганини билмайман, саводингиз бор экан — сиз ўқирсиз», деб менга совға қилганди. Салтанат эна ўзи нима ёзилганини билмай тахмон қатида 30-40 йиллаб сақлаган саҳифалар Абдулҳамид Чўлпоннинг шеърлари эди. Шу воқеа сабаб бўлиб, мен ўшанда илк марта китобларга тирик вужуддек қараш ва уларни асраш керак экан деган қатъий хулосага келганман.

Дарҳақиқат, адабиёт йилларни, йўлларни, дилларни, элларнигина эмас, балки даврларни, асрларни ҳам бир бири билан туташтиришга қодир КУЧДИР. Наҳотки, у бугун икки қизалоқнинг кунглини боглаш учун эмас, доглашга хизмат қилаётган бўлса!.. Шундай нохуш хаёллар билан юрган кезларимда қулимга яқиндагина «УҚИТУВЧИ» нашриётида чоп этилган Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВнинг «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари» деб номланган китоби тушиб қолди. Кунглимни чўктирган саволларга жавоб топиш ниятида китобни астойдил ўқиб чиқдим.

«... Бадиий ижод намуналари инсон тафаккури ва туйғуларининг рангли манзараларидир, унинг яратувчилик фаолиятидаги чўққилардир. Аввало, одамнинг ўзига, ундан сўнг фақат инсон томонидангина яратилиши мумкин бўлган бадиий асарга мана шўндай нуқтаи назардан ёндашилганда санъат асарининг моҳиятига етиш, уни инсон камолоти йўлида сафарбар эта билиш, унинг намуналарини таъсирчан ва ҳаққоний таҳлил этиш орқали ўзгаларнинг қалбига кўчириш мумкин бўлади...»

Муаллиф куюнчаклик билан янгича педагогик тафаккур тараққиётининг асосий йўналишларини тадқиқ этади. Китобнинг дастлабки саҳифаларидаёқ болалар табиати ўзига ёт қоидаларга бўйин бермаслиги таъкидланади. Шу боисдан ўтган ўн йилликлар мобайнида ўқимаслик, дарслардан қочиш, ўз норозилиги ва ҳуқуқсизлигини тўполон қилиш тарзида ифодалаб расмий педагогикага гоҳ ошкора, гоҳ зимдан қаршилик кўрсатилди. Юртимиз истиқлолга эришиб ҳур фикрли инсонларга кўз тикиб турилган бугунги кунда ўқиш ўқувчининг эҳтиёжига айланиши керак. Тўрт-беш ёшли гўдакнинг онгида айланаётган «бу нима?» ёки «нима учун шундай?» сингари саволлар мактаб партасига келгач мавжуд маъмурий таълим тизими томонидан сундирмаслиги лозим. Болани қисқа вақт ичида мактабдан бездирмаслик учун тақдим этилаётган ўқув дастури унга бутунлай бегона бўлмаслиги кераклигини муаллиф асосли мисоллар билан уқтиради.

Китобнинг II боби адабий таълимнинг илмий-назарий ва эстетик-педагогик асослари ҳақида бўлиб, унда адабиёт дарсликларида бериладиган ҳар бир маълумот ўқувчининг ёш хусусияти билан боғлиқ ҳолда бирор тарбиявий вазифани бажариши шартлиги қайд этилган. **Муаллифнинг ёзишича: «Бадиий асарнинг бутун гўзаллиги, жозибаси унинг яхлитлигида. Чунки бадиий гўзаллик бадиий уйғунликдир. Уйғунлик — яхлитлик демакдир. Яхлит нарсагина гўзал бўлади, яхлит туйғугина таъсир кўрсата олади. Яхлит кечинмагина тарбиявий аҳамият касб этиши мумкин. Шунинг учун ҳам адабий таълимни уюштиришда яхлитлик принципига амал қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади».**

III боб эса бевосита мактабда адабий асарни ўрганиш ва бадиий асар таҳлили масалаларига бағишланган. Унда таҳлил турлари, йўналишлари, тамойиллари ва таҳлил учун қўйиладиган талаблар атрофлича ёритилган. Муаллиф қандай мақсадга йўналтирилганлигига қараб бадиий таҳлилни икки турга: филологик (илмий) ва дидактик (ўқув) таҳлилга бўлади, уларнинг моҳиятини маълум асарлар мисолида изоҳлайди. Бизнингфикримизча ҳам, унинг: **«Бадиий адабиётнинг вазифаси, бадиий таҳлилнинг иши қандайдир воқеаларни билиш ва айтиб бериш эмас, балки инсон руҳиятининг образли ифодаси эканини баъзиларнинг тушуниши даргумон...»** деган даъвоси айни ҳақиқатдир.

Эҳтимол, шу боисдан ҳозир ҳам ўқувчилардан «Ўтган кунлар» романи ҳақида сўрасангиз: кўпчилиги: «Отабек Кумушни севади. Зайнаб уни заҳарлайди» деган гапдан нарига ўтолмайдилар.


Адабиётга ошнолик бизнинг қалбимизга она сути— она алласи билан киради.У — кенг тушунча: куй— қўшиқ, эртак, топишмоқ, алёр, латифа — ҳаммаси адабиёт. Лекин китобга меҳр, китобга ҳурмат мактаб партасида шаклланади. Адабиёт дарсларида камолга етади. Зеро, бадиий адабиёт кўнгилни гуллатади, руҳни кўтаради, тафаккурни улғайтиради. Қолаверса, адабиёт одоб-ахлоқ ҳақидаги фанигина бўлиб қолмай, балки кечаги ва бугунги кунимизни ўзида акс эттирувчи бадиий хотира ва бадиий тарих ҳамдир. Унинг қадри вақт ўтган сари ортади. Шу маънода ҳурматли домламиз Қозоқбой Йўлдошев ишлаб чиққан «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари»ни мактаб ўқитувчилари, илмий ходимлар ва талабалар учун ниҳоятда зарур ва муносиб қўлланма бўлди дейишга ҳақлимиз.

Фарзандларимиз китобларга қанча эрта кунгил қўйсалар, дунёнинг гўзал қирраларини шунча тез кашф қиладилар, ҳаётнинг, халқнинг, юртнинг қадрини тушунадилар. Ҳур фикрлашни урганадилар. Ушанда Зулайҳоларнинг кунгли чил-чил синмайди, Наргизалар китобни ғижимлаб кўчага отмайди, балки уни энг қимматбаҳо совға сифатида ҳар куни қўлига олиб варақлайди — уқийди. Миллий адабиётимиз ўз мавқеига эга булади.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

Журналларнинг янги сонларида

«МУЛОҚОТ»



Ўзбекистон ХДПнинг «Мулоқот» журнали 4 (июль-август) сони ўқувчилар қўлига етиб борди. Журнал «Муҳаррир мулоҳазалари» рукни остида «Янги имкониятлар мамлакати» сарлавҳали мақола билан очилади. «Мустақиллик шарофати билан биз нафақат армон бўлиб келган ҳақ-ҳуқуқларга эришдик, балки илгарилари етти ухлаб тушимизга кирмаган мажбуриятларни ҳам зиммамизга олдик», — деб ёзади муҳаррир ўз мақоласида.

Фуқароларни боқимандалик кайфиятидан холос этиш учун нималар қилиш керак? Таҳририят бу масалага бағишлаб давра суҳбати ташкил этган. Унда иқтисод илмининг таниқли олимлари Расулмат Ҳусанов, Одилжон Олимжонов, Қаландар Абдураҳмоновлар иштирок этишган. Маъмур Қаҳҳоровнинг «Деҳқонки, дона сочар...» мақоласи бамисоли юқоридаги суҳбатнинг мантиқий давомидай бўлган.

Миллий мафкура мавзуи «Мулоқот» учун янги эмас. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврлардаёқ журнал шу мавзунинг байроқдори бўлганди. Ушбу сонда Анвар Чориевнинг «Миллий истиқлол мафкураси ва унинг асосий хусусиятлари» сарлавҳали мақоласи эътиборга лойиқдир.

Журнал Амир Темур йилида уз ўқувчиларига буюк соҳибқирон мавзуига бағишлаб қатор мақолалар тақдим этмоқда. 4- сон ҳам бу борада истисно бўлмаган. Чунончи Мансур Олтин ўғлининг «Амир Темурнинг маънавий салоҳияти», Ҳайдар Алиқуловнинг «Амир Темур илм-фан ҳомийси», Шодмон Воҳиднинг «Темурнома» ичидан топилган хат» сарлавҳали битиклари шулар жумласидандир.

Қашқадарё вилоят ХДП кенгаши биринчи котиби Фармон Омонов билан журналист Ўрол Ўтаев суҳбатида мустақиллик шароитида замондошимизнинг ўрни ҳақида эътиборли мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, бу сонда Алишер Навоий, Ойбек, Фитрат каби мумтоз шоир ва адиблар ижодига оид мақолалар, Анвар Ҳожи саккизликлари, «Мулоқот» дафинаси» берилган.



Журналнинг куни кеча босмадан чиққан 2-сони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта-озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни амалга ошириш! Бошқа йўл йўқ! Биз ана шу йўлдан қатъий борамиз! Ундан чекинадиган, унга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кучга қаршимиз!» деган сўзлари билан очилади.

«ТАФАККУР»

Бош муҳаррир ўринбосари, профессор Озод Шарафиддинов академик Тўрабек Долимов билан илм-фан оламидаги муаммолар, жамиятимизда олимнинг ўрни каби зиёлиларимизни тўлқинлантирувчи мавзулар ҳақида қизиқарли суҳбати шу сондан ўрин олган. Профессор Иномжон Раҳимовнинг «Муроса фалсафаси» мақоласида тафаккур услубининг янгича тури — синергетика ҳодисаси ҳақида эътиборли мулоҳазалар билан танишасиз.

Журналнинг ананавий рукни «Етти иқлим муждаси» остида бу сафар Жанубий Корея Республикаси элчиси жаноб Со Кон И билан таниқли журналист Амирқул Каримнинг суҳбатини ўқийсиз. Унда «Субҳидам бокиралиги ўлкаси» ҳақида ажойиб ва ғаройиб воқеалар билан танишасиз. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг шоира Турсуной Содиқова билан суҳбати Ватан туйғуси, ижод нашъаси ҳақида.

Япроқдан уй қурдим, майсадан — хона,
Шудринг ва юлдуздан ўрнатдим ойна.
Осмондан зангори дарчалар олдим,
Гулдан эшик қилдим, дилдан — остона.

Ушбу лирик сатрлар шоир Сирожиддин Саййиднинг шу сонда берилган тўртликларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг мусиқа муаллифи Мутал Бурҳонов 80 ёшга тўлди. Кекса композиторнинг дил сўзларини санъатшунос Тўхтасин Ғофурбеков билан суҳбатда ўқийсиз. Шунингдек, итальян ёзувчиси Коррада Алваронинг «Кашфиёт» новелласи берилган. Узоқ умр кўриш, инсон танасини чиниқтириш орқали имконият қирраларини кашф этаётган Николай Амосовни ким этишмаган дейсиз. Ҳозир овозаси оламни тутган бу ғаройиб инсон газета-журнал, радио-телевидение мухбирлари билан учрашмаяпти. Яқинда шу анъана бузилиб, хорижий газеталардан бири мухбирига интервью берибди. «Тафаккур» журнали ушбу суҳбатни ўқувчиларига «Амосовнинг юрак сирлари» сарлавҳаси остида тақдим этади. Шунингдек, ушбу сонда Севара Кароматиллахўжаева, Шуҳрат Ғойибназаров, Убайдулла Уватов, Садриддин Салим Бухорий ва бошқа муаллифлар ҳам чиқиш қилишган.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000.
ТОШКЕНТ.
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ.
32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н.ШАКАРОВ, навбатчи С.САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.


Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!



Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур жамғармасининг пул-ютуқли «ХАЗИНА» лотереясини сотиб олингиз!
Лотереянинг баҳоси — 25 сўм.
Ушбу лотерея ўйинида:

5та	*1000000*	*сўмлик*
10та	*700000*	*сўмлик*
5та	*200000*	*сўмлик*
5та	*100000*	*сўмлик*
5та	*50000*	*сўмлик*
10та	*20000*	*сўмлик*
25та	*10000*	*сўмлик*
50та	*5000*	*сўмлик*

ВА ҲОКАЗО ЮТУҚЛАР БОР!

Лотерея тиражи 1996 йил 29 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.
Тиражда 50 миллионлик ёки 493165 дона ютуқлар бор.
Лотереяни 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси, миллионер бўлиб энг бахтли ва бадавлат одам бўласиз.
Лотереядан тушган даромад нафақат Амир Темур, темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш,уни кенг тарғиб этиш, ўша замонларда бунёд этилган обидаларни тиклаш ва таъмирлашга, балки ота-боболаримизнинг улкан меросини халқимизга етказиб беришдек хайрли ишларга ва Халқ банки ривожланиши учун сарф этилади.
Уни Халқ банкларининг барча бўлимларидан ва жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

САВОБ ЕРДА ҚОЛМАСИН

Норқул Файзуллаев номини нуроталикларнинг деярли ҳаммаси билади десак лоф бўлмас. Негаки, бу ажойиб инсон ўзининг бутун меҳнат фаолияти давомида куч-ғайратини, билимини, маҳоратини Нурота халқи саломатлигини тиклашга, шифохоналарнинг обрў-нуфузини кўтаришга сарфлади. Минг афсуски, у ҳозир тириклар орасида йўқ. Аммо шифокорнинг жонкуярлиги, халқ саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳамон элнинг ёдида.

Норқул ака 1957 йилда Самарқанд медицина институтини тамомлагандан сўнг туман марказий шифохонасида врач-инфекционист, кейин бош врач ўринбосари бўлиб то 1976 йилгача хизмат қилди. Бу вақт мобайнида сил касалликлари шифохонасини ташкил этди. Ва бу шифохона тиклангунга қадар бош врач, кейинроқ туман СЭСида бош врач лавозимида ишлади. 1976 йилда эса алоҳида юқумли касалликлар шифохонасини ташкил этиб, умрининг охирига қадар ушбу масканга раҳбарлик қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1990 йили Н. Файзуллаевнинг шахсий

Хотира

ташаббуси билан шу шифохона учун янги типдаги замонавий бино қурилиши тугалланиб, ишга туширилди.

Ҳақиқатан ҳам у улус меҳрини, юксак ишончини қозонган касб соҳиби эди. Зиёли, ёшу қарига бирдек меҳрибон бу олийжаноб инсон табобат соҳасида қирқ йил ҳалол меҳнат қилди. У туман, вилоят табобатининг ривожланишига салмоқли ҳиссасини қўшиш билан бирга юзлаб муносиб шогирдлар ҳам етиштирди. Унинг ҳалол меҳнатини, яхши билган Нурота туман юқумли касалликлар шифохонаси жамоаси шифохонага унинг номини қўйиб, шаҳар ва туман ҳокимлиги Норқул Файзуллаевнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида махсус қарор чиқарган эди. Лекин бу қарор ижроси негадир Навоий вилояти ҳокимлиги қошидаги комиссия томонидан пайсалга солиниб келинмоқда. Эл эса бу савобли ишнинг ижросини кутмоқда.

Салима ҚИЛИЧЕВА.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Марказий Кенгаш аъзоси Убайдулла Абдураззоқов ва партиямиз фаоли Баҳодир Абдураззоқовга волидаи муҳтарамалари **ИҚЛИМАХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент вилоят Тошкент тумани ҳокимлиги Маданият ишлари бўлими Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизовга ўғли **Умиджон АЗИЗОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Адабиёт тарғиботи маркази Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан мустақиллик мавзуидаги энг сара ҳикоялар, шеърлар ва публицистик мақолалар учун танлов эълон қилади.

Танловда мустақиллигимизни мадҳ этувчи, Ватан фидойилари ҳаётини ҳаққоний ёритувчи ва юртимизни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бадиий жиҳатдан баркамол асарлар билан қатнашиш мумкин.

Ҳажми бир босма табоққача бўлган ҳикоялар, шеърий туркумлар ва публицистик мақолалар вақтли матбуотда босилиб чиққан ёки қўлёзма ҳолида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бадиий наср ва шеърият Кенгашлари томонидан шу йилнинг 20 августига қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидагича мукофотлар мўлжалланган:

I. 1 та биринчи мукофот.
II. 2 та иккинчи мукофот.
III. 3 та рағбатлантирувчи мукофот.

Ғолиблар рўйхати Мустақиллик байрами арафасида вақтли матбуотда эълон қилинади.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

МАНЗИЛИМИЗ: Мустақиллик майдони, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, АДАБИЁТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИ.